



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 12 АВГУСТ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 157 (12.718)

Баҳоси эркин нарҳда

23  
O'ZBEKISTON

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида маданий-маърифий байрам тадбири ташкил этилди.**



## ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ АЙЁМ НАШИДАСИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Мирзо Улуғбек, Сергели туман ҳокимликлари, маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, тиббиёт ходимлари, маҳаллалар фаоллари ва истеъдодли ёшлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Мустақиллик шукриятининг ҳар бир хонадонга юракларни жунбوشга келтирган ҳолда кириб келаётгани, юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик, яратувчанлик, ободонлаштириш, тарихимиз ва буюк ўтмишимизни тиклаш борасидаги ишлар ва фан, маданият, иқтисодий йўналишларда кўлга киритилган ютуқлар ҳақида тўқинланиб фикр юритдилар.

Шунингдек, Мирзо Улуғбек, Сергели туманлари ёшларининг ижодий кўрғазмалари ташкиллаштирилиб, ўқувчилар томонидан тўқувчилик, тикувчилик, пазан-

далиқ, кулполчилик ва спорт йўналишларидаги кўрғазмалар, ёш рассомларнинг ижодий ишлари намойиш қилинди.

Тадбир доирасида «Тиббиёт кеча, бугун, эртага» деб номланган кўрғазма ҳам ташкил этилди. Унда мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимида кўлга киритилган ютуқлар, тиббиёт амалиётига жорий этилган замонавий диагностика ва даволаш воситалари, халқимиз соғлиғини муҳофазалаш борасида эришилаётган юқори натижалар намойиш қилинди.

«Тантана» ва «Марварид» болалар ашула ва рақс ансамбллари қатнашчилари ижросидаги шўх кўшиқ ва дилбар рақслар, таник-санъаткорлар, ёш эстрада хонандаларининг чиқишлари, ўзбек жанг санъати, бадий гимнастика спорт усталарининг маҳорати барчага манзур бўлди.

Ана шундай юқори савияда ташкил этилган байрам тадбирида кўнгилларни ёзиш билан бирга турли касб-хунарга эга иқти-

дорли ёшлар билан танишиш имконига ҳам мушарраф бўлди, иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазаларини қозғашга туширдик.

— Байрам тадбирида «Соғлом бола» кўшиғини ижро этдим, — дейди ёш, иқтидорли хонанда Шаҳбоз Эрнатаров. — Мустақиллик шарофати билан турли кўрик ва танловларда ўз кўшиқларим билан қатнашиб келмоқдам. Орзуим Ватанимга содиқ фарзанд бўлиш, келажакда дунё сахналарида юртимиз шарафини баралла қўйлаш.

— Истиқлол бизнинг бахтимиз пойдеворидир, — дейди Сергели туманидан таширф буюрган ёш музикачи Давид Турсуматов. — Мен яқинда Италиянинг Барлетта шаҳрида ўтказилган Халқаро музика кўрик танловда иккита номинация бўйича қатнашиб, саксафон ва ансамбль дуэти йўналишлари бўйича биринчи даражали диплом ва медал билан тақдирландим. Мустақиллик бизга ана шундай ёруғ йўللари очиб берди.

(Давоми 4-бетда)

## КРИСТА ПИККАТ:

### «ЎЗБЕКИСТОН — БОЙ МАДАНИЙ МЕРОСГА ЭГА МАМЛАКАТ»

**Мамлакатимиз кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКО билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида ЎзА муҳбири ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Кристи ПИККАТ билан суҳбатлашди.

— Пиккат хоним, Ўзбекистоннинг мустақил тарқиқоти давомида илм-фан, таълим ва маданият соҳаларида эришган ютуқлари ҳақида ўз фикрингизни билдирсангиз.

— Ўзбекистон 1991 йилда мустақилликка эришган, Президент Ислам Каримов томонидан таълим, фан ва маданият ривожига алоҳида эътибор қаратилди. Бу соҳалар давлат ва жамият тараққиётининг муҳим жабҳалари сифатида белгиланди.

Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабзнинг тарихий-маданий объектлари ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган.

Ўзбекистон номдодий мероси билан ҳам фахрланса арзийди. Масалан, Шашмақом, Катта ашула, Наврўз ва Бойсун маданий мероси ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатидан жой олган. Аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган ушбу барҳат анъаналар маданий меросингиз ранг-баранглигини намоён этади.

— Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истикболлари қандай баҳолайсиз?

— 1996 йилда Ўзбекистонда ЮНЕСКО ваколатхонаси ташкил этилган. Бугунги кунда ташкилотимиз миллий муҳим аҳамият касб этмоқда. Масалан, яқинда Таълим бўйича глобал шериклик жамғармасининг дастури (GPE) доирасида ажратилган 49,9 миллион АҚШ доллари миқдоридagi грант Ўзбекистонда таълим соҳасини янада такомиллаштиришга кўмак беради.

Ўзбекистон азалдан ўзининг юксак илмий салоҳияти билан маълум машҳурдир. Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек ва бошқа буюк алломалар бутун дунёда математика, астрономия, тиббиёт, табиий ва гуманитар фанлар ривожига катта таъсир кўрсатган.

Ўзбекистон — бой маданий меросга эга мамлакат.

(Давоми 2-бетда)



## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Наманганда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Божхона кодекси» лойиҳаси муҳокамасига бағишланган тадбир ўтказилди. Наманган вилояти божхона бошқармаси томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, вилоят ҳокимлиги, вилоят адлия, молия, солиқ, иқтисодиёт бошқармалари, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

• Қашқадарё вилоятидаги «Лочин» оромгоҳида «Юрт келажиги — 2014» республика иқтидорли ёшлар танловининг финал босқичи бошланди. Унда танловнинг куйи босқичларида ғолибликни кўлга киритган 606 нафар ўғил-қиз иштирок этмоқда.

• Навоий вилояти Хатирчи туманида «Хатирчи пилла хазинаси» хусусий корхонаси иш бошлади. Йилига 60-65 тонна пиллани қайта ишлаш қувватига эга корхона замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Қарийб 95 минг АҚШ доллари қийматидаги замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган корхонада саноатбop куруқ пилладан сифатли ипак толаси тайёрланмоқда.

• Тошкент вилоятида «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остида саломатлик ҳафталиги ўтказилмоқда. Зангита тумани кўп тармоқли поликлиникасида ўтказилган шундай тадбир юксак савияда ташкил этилди. Кардиолог, терапевт, невропатолог, эндокринолог каби мутахассислар вилоятнинг бошқа туман ва қишлоқларида ҳам аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказмоқда.

## ЖАҲОНДА

• Баланглиги бўйича жаҳонда иккинчи ўринга кўтарилиши мумкин бўлган, Хитойнинг Шанхай шаҳрининг Пудун молия-бизнес марказида жойлашган «Шанхай марказий минорасининг сўнгги 137 қавати қуриб битказилди. Баланглиги 632 метрни ташкил қилувчи, беш юлдузли меҳмонхона, офис, ресторан, савдо шохобчалари, кўрғазма ва мажлислар заллари ҳамда кўнгилчор марказлари ўз ичига олувчи миноранинг 2015 йилнинг ўрталарида фойдаланишга топширилиши мўлжалланган.

• АҚШнинг Скриппс институтининг бир гуруҳ олимлари гиёҳвандликнинг олдини олиш учун махсус вакцина яратишга муваффақ бўлдилар. Тадқиқотчи муаллифлар етакчиси Ким Янданин таъкидлашча, 25 йиллик изланишлар самарасиз кетмаган ва жуда кучли вакцина яратилган. Бу эмлаш воситаси гиёҳвандлик иллатига дучор бўлган беморларга «оқ ажалдан» қутулишлари учун катта ёрдам бериши кўзда тутилмоқда.

• БМТнинг ОИВ/ОИТС бўйича бирлашган дастури мутахассислари томонидан тайёрланган ҳисоботда қайд қилинишича, орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС)га чалинган беморларнинг ҳаётдан бевақт кўз юмиш даражаси 2005 йилдан 2010 йилгача бўлган даврда дунё бўйича 21 фоизга камайган. ОИВга чалинганлар сони дунё бўйича ўсишда давом этмоқда. 2010 йилда ОИВ-инфекция билан оғирганларнинг дунё бўйича умумий сони 34 миллион кишини ташкил қилган. Бу ўн йил аввалги кўрсаткичдан 17 фоизга кўпдир.

## МАМЛАКАТ ОБОД — КЎНГИЛЛАР МУНАВВАР

**Энг улуг, энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллик шодиёналари тобора яқинлашмоқда. Президентимизнинг шу йил 1 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори асосида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ушбу қутлуғ айёмни муносиб қутиб олишга қизгин тараддуд кўриляптир. Шаҳар ва қишлоқларда, маҳаллалар, меҳнат жамоаларида тевақаратрофи тартибга келтириш, ободонлаштириш, ариқ-зовурлар, хиёбонларни тозалаш ишлари амалга оширилмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 августдаги фармойиши бу борадаги ишлар қўламини кенгайтиришда муҳим дастуруламал бўляптир. Мазкур фармойишга мувофиқ август ойи юртимизда Ободонлаштириш ва тозалик ойлиги, деб эълон қилинди.

Ободонлаштириш ва тозалик ойлиги тадбирлари пойтахтимизда ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда. Аҳоли турар жойлари, кўча ва хиёбонлар, болалар майдончалари, қабристон ва зиёратгоҳлар тартибга келтирилмоқда. Бундай хайрли ишларда бутун аҳоли, айниқса, ёшлар ҳамжиҳатлик билан фаол иштирок этмоқда.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлимида маълум қилишларича, маҳаллалар, аҳоли пунктлари, кўпқаватли уйлар, ҳовиллар, боғ ва сайилгоҳларни тартибга келтириш, кўпқаватли уйлар атрофидаги ноқонуний қурилмаларни бартараф этиш, уларнинг ўрнини обод этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шайхонтоҳур туманидаги ўнта маҳаллада ўттиздан зиёд болалар ўйин майдончаси, қирқдан зиёд автомобиллар сақлаш жойлари фойдаланишга топширилди.

— Илгари кўпқаватли уйлар атрофида пала-партиш, бетартиб қурилган гаражлар бўлар, бундай жойларда тозаликни сақлаш катта муаммо туғдирарди, — дейди

тумандаги «Шодлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдусаттор Имомов. — Ушбу жойларнинг ободонлаштирилиши ва замонавий инфратузилмалар барпо этилиши аҳоли учун қўлайлик яратиши бораберида, тевақаратроф мусоафалигини сақлаш, маҳалламизни озода, фойзли масканга айлантириш имконини бераптир.

Қарийб етти мингдан ортқ аҳоли истиқомат қиладиган Шодлик маҳалласида шахсий автомобил эгаларига ўз машинасини сақлаш учун шароит яратиш мақсадида бўш ётган майдонлар ободонлаштирилиб, янги автомобиль тўхташ жойлари қуриш ишлари ташкил этилди.

Кейинги йилларда маҳаллаларда яна бир замонавий инфратузилма — болалар ўйин майдончалари қуриш қўламини кенгайтирмоқда. Бундай масканлар нафақат болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши, балки уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмонан чиниқишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида болалар ўйин майдончаларининг моддий-техник базасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиляптир. Жорий йилнинг олти ойи мобайнида қирққа яқин янги майдонча қурилиб, зарур воситалар билан жиҳозланди.

(Давоми 2-бетда)

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **«КАРИМБЕК ЛАЗЗАТ»** масъулияти чекланган жамиятида «Ватан саждагоҳ каби му-

қаддасдир» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Миробод туманидаги 110-умумтаълим мактабида шаҳар халқ таълими бош

бошқармаси томонидан Анъанавий август кенгаши ўқув семинари уюштирилди.

✓ **ЭРТАГА** Ҳамза туманидаги «Машинасозлар» маҳалласи

гузарида Соғлом бола йилига бағишлаб «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтади.



## КРИСТА ПИККАТ:

«ЎЗБЕКИСТОН — БОЙ МАДАНИЙ  
МЕРОСГА ЭГА МАМЛАКАТ»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президент Ислам Каримовнинг ташаббуси билан ташкил этилган «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивали дунё халқларининг ноёб мусика мероси ҳамда анъаналарини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Бу ташкилотимиз миссиясига ҳамроҳдир.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси кўп йиллардан буён миллий ҳамкорлар билан биргаликда ўз ваколати доирасига қирадиган соҳаларда кўплаб лойиҳаларни амалга оширди. Бу борада йўлга қўйилган ишончли муносабатлар Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

— Шу йилнинг май ойида ЮНЕСКО билан ҳамкорликда Самарқанд шаҳрида «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти» мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Ўшбу форумнинг мохияти ва аянлари ҳақида нима дея оласиз?

— Президент Ислам Каримов билан биргаликда ЮНЕСКО Бош директорининг ўринбосари, Осиё ва Тинч океани мамлакатларидаги минтақавий ваколатхонасининг илм-фан бўйича директори, профессор Хуберт Гизен очиб берган мазкур конференцияда иштирок этиш ЮНЕСКО учун катта шарафдир.

ЮНЕСКО дунё олимларининг учрашувлари, фикр ва тажриба алмашишлари халқларнинг ўзаро яқинлашишига ёрдам беради, деб ҳисоблайди. Бу, шубҳасиз, халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатлиқни, ижтимоий тотувлиқни мустаҳкамлаб, уларнинг ҳаёт даражасини юксалтиришга хизмат қилади.

Илм-фан, технологиялар, маданият, ижодкорлик ва инновациялар ҳуқуқий асос ҳамда мустаҳкам илмий базага эга янги ёндашувларни шакллантириш учун ҳаётини муҳим воситалардир. Конференция ўтмишига назар ташлаб, ўша даврлардаги билим, заковат, донишмандлик ва эришилган ютуқларни баҳолаш ҳамда шу аснода барқарор ривожланиш истиқболларини белгилаб олиш имконини берди.

Ўзбекистон раҳбариятининг ўрта асрлардаги Шарқнинг бой илмий анъаналарига таянган

ҳолда, илм-фан ва таълимни мамлакат келажиги шакллантиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлашни истардим.

— Сизнингча, Ўзбекистонда маданий туризмни ривожлантириш истиқболли қандай?

— Туризм саноати иқтисодиётнинг катта даромад келтирадиган ва дунё мамлакатлари фаровонлигини юксалтиришга ёрдам берадиган муҳим соҳалардан биридир. Юқорида таъкидлаганимдек, Ўзбекистон бой маданий меросга эга мамлакат. Бу архитектура ёдгорликлари, фольклор, анъанавий хунармандчилик, миллий пазандчилик ва бошқа кўплаб соҳаларга ҳам тааллуқлидир. Ўзбекистоннинг бебаҳо маданий мероси уни дунёнинг турли мамлакатларидан ташриф буюраётган сайёҳлар учун янада жозибадор қилмоқда. Шу боис юртингизга келаятган сайёҳлар оқими йилдан-йилга кўпайиб бормоқда, улар Ўзбекистонни қизиқarli ва мафтункор мамлакат сифатида қашф этмоқда.

Давлатингиз раҳбарияти томонидан туризмни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг самарасида мамлакатингизда ички туризм ҳам равнақ топишмоқда. Умумтаълим мактабларида юртингиздаги тарихий жойларга саёҳатлар уюштирилмоқда. Бу ўз тарихи ва анъаналарини яхши биладиган ёш авлоднинг вояга етказишга хизмат қилмоқда. Уларда ўз халқининг бой маданий мероси билан фахрланиш ва унинг муҳимлигини англаш туйғусини, ўшбу меросни асраб-авайлаш ҳамда янада бойитишга ҳисса қўиш истагини шакллантираётди.

Шу боис Ўзбекистон нафақат Марказий Осиё, балки МДХ мамлакатлари орасида маданий туризмни ривожлантириш борасида етакчилик қилиш учун катта салоҳиятга эга, деб биламан.

— Яқинлашиб келаятган Мустақиллик кунини муносабати билан Ўзбекистон халқига тилакларингиз.

— ЮНЕСКО номидан Ўзбекистон халқини Мустақиллик кунини табриклияман, барчангизга тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Бобур ОБИДОВ  
суҳбатлашдиЮРТ ТИНЧЛИГИНИ  
АСРАШ — МУҚАДДАС  
БҲРЧ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган туб ислохотлар кучли фуқаролик жамияти барпо этишга, фуқароларнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечирishiга мустаҳкам замин яратди.

Халқимиз кўлга қиритаётган улкан ютуқларга ўз-ўзидан эришилган бўлиши йўқ. Мамлакатимизнинг тарихан қисқа даврда босиб ўтган гоёта мураккаб, айни вақтда шарафли тараққиёт йўли, бу йўлда кўлга қиритилган, дунё ҳамжамияти томонидан тан олинаётган ютуқ ва марраларимизга қандай асосда, қандай синов ва машаққатлар эвазига эришилганини юртдошларимиз яхши англайди.

Шу боис мустақилликни кўз қорачиғидек асраш долзарб масалалардан ҳисобланади. Чунки ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий қадриятларимизга ёт гоёлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли хуружлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга ундамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маданият саройида аҳоли ва ёшларни турли зарарли иллатлардан ҳимоя қилиш, диний экстремизм ва терроризм хавфини бартараф этишда ўзаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган тақдирда шулар ҳақида сўз борди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник А.Мирзаев, Ўзбекистон musulmonлари идораси раисининг ўринбосари А.Мансуров ва бошқалар мамлакатимизда аҳоли маънавиятини юксалтириш, фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлида изчил ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда улар-

ни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаятган турли зарарли таъсирлардан, «оммавий маданият»нинг таҳдид ва хатарларидан асраш масалалари доимий эътиборда.

Президентимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарига таъкидлаганидек, «маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажигини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охири-оқибатда жамиятнинг инқирозга олиб келиши мумкин».

Тадбирда ёш авлод зарарли диний оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш, ёшларни билимди, ватанпарвар ва ҳар томонлама етук инсон этиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида атрофлича сўз юритилди.

Ёшлар бундай ғаразли кучлардан доимо огоҳ бўлиши учун уларнинг билими, маънавиятини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар кўламини кенгайтирилмоқда. Бу жараёнда ички ишлар идоралари, ўқув муассасалари, жамоат ва диний ташкилотлар ҳамкорлигида тегишли тадбирлар тизимли равишда ташкил этилаётгани ўз самарасини бермоқда.

Анжуманда ёшларни турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш, уларда юрт равнақига дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш юзасидан олиб борилаётган ишлар, интернет тармоғида диний экстремизм мафкураси тарқалишининг олдини олиш юзасидан фикрлашилди.

Норгул АБДУРАИМОВА,  
ЎЗА мухбири

## Реклама ўрнида



Банк ва мижоз

КРЕДИТЛАР КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ  
ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИДА МУҲИМ ОМИЛ

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш, улар фаолиятини ҳуқуқий ва молиявий томондан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилганлиги боис бугунги кунда ушбу соҳа иқтисодиётнинг етакчи тармоғига айланган. Ўзини тадбиркорлик ва ишбилармонликка синаб кўриш, юрт ободлиги ва оиласининг фаровонлигини таъминлашга бел болаган юртдошларимиз эса яратилган қулай шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб келмоқдалар. Уларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш ва зарур маблағ билан таъминлашда банк кредитларининг ажратилиши ишларини йўлга қўйиб олишларида катта мадад бўлмоқда.

Хусусан, ХЕАТБ «Даврбанк»нинг Яққасарой филиали томонидан ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни янада ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, сервис соҳасида хизмат кўрсатувчи корхоналар, тадбиркорлик фаолиятини юртаётган ёш оилалар ва касб-хунар коллежлари биттирувчилари ҳамда оилавий тадбиркорларни молиявий рағбатлантириш, ҳудудларни ривожлантириш, юрт тараққиётига ҳисса қўиш борасидаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Фикримизнинг далили сифатида таъкидлаб ўтиш ўринлики, жорий йил бошидан буён ХЕАТБ «Даврбанк»нинг Яққасарой филиали томонидан кичик бизнес субъектларига режадаги 4 миллиард 50 миллион сўм кредит ўрнига амалда 5 миллиард 531 миллион сўм, сервис ва хизмат кўрсатиш бўйича эса белгиланган 700 миллион ўрнига 1 миллиард 536 миллион, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича 118 миллион сўм ортқ, оилавий тадбиркорликка ажратилган кредитларнинг 45 миллион ўрнига 80 миллион сўм, бошланғич сармояни шакллантиришга мўлжалланган кредитлар 20 миллион ўрнига 48 миллион сўмлик

ажратилгани, бир сўз билан айтганда ҳар бир йўналиш бўйича режанинг ортиғи билан бажарилганлигини кўриш мумкин. Эътиборлики, тадбиркору ишбилармонларга ажратилаётган кредитлар бошланғич сармояни шакллантиришга замин яратиб, оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга муҳим ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Банк томонидан аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган кичик бизнес субъектларининг истиқболли лойиҳаларини молиялаштиришга ҳам муҳим эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2009 йил 20 январдаги «Маҳаллий нооziқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ижросини таъминлаш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, хусусий тадбиркорлар ва кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йил-

нинг ўтган ойлари давомида режада белгиланган 150 миллион сўм амалда 162 миллион сўм этиб, қўзда тутилган 650 миллион сўмлик кредит ҳам ортиғи билан адо этилди.

— Юртимизда тадбиркору ишбилармонларга яратилган қулай шарт-шароитлар улар сафининг ортиб боришига хизмат қилмоқда, — дейди «NEO VITA MED» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Васила Ишбоева. — Бундай имконият ва имтиёзлар бизнес режаларимизни амалга оширишда муҳим омил бўлмоқда. Чунки, 2014 йил 16 майда дорихона фаолиятини ривожлантириш учун банк жамоасининг маслаҳати ва кўмағи билан 80 миллион сўм кредит олган эдим. Бу ишимизни ривожлантиришда жуда кўп келди. Бугунги кунда эса фаолиятимизни янада кенгайтириш тараддуқидимиз. Бу борада албатта банк кўмағига таянамиз.

Бундай илиқ фикрларни «Fayzil Dilsora Diyov» корхонаси раҳбари К. Шавкатов, «Energo Motors» МЧЖ раҳбари О. Икромов, «Gredo Gaz Service» МЧЖ раҳбари А. Турсунов каби тадбиркорлар ҳам билдирмоқдалар. Бундан ташқари банк филиали мижозларга қўллаб-анъанавий ва замонавий хизматлар турларини тақлиф этмоқда. Банкда мижозларга масофадан туриб кўрсатиладиган хизмат турлари «Интернет — банкинг» дастури жорий этилган. Шунингдек, филиалда «Westeen union», «Migom», «Anelik», «Contact» каби халқаро пул ўтказмалари тизими йўлга қўйилган. «Банк — мижоз учун» тамойили жамоанинг эзгу шioriга айланган. Зеро, иқтисодиёт тараққиёти, юрт ободлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўиш келаятган банклар фаолиятининг янада ривожланиши, аҳоли ишончининг ортиши банк жамоасининг асосий мақсадларидан биридир.

Шоира МУҲАММЕДОВА

МАМЛАКАТ ОБОД —  
КЎНГИЛЛАР  
МУНАВВАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Юнусобод туманининг «Янгиобод» маҳалласида амалга оширилаётган намунавий маҳалла лойиҳаси доирасида ноқонуний қурилмаларнинг ўрнига боғ, гулзор ва ўйин майдончалари барпо этилмоқда. Маҳаллада мавжуд бешта болалар ўйин майдончаси босқичма-босқич реконструкция қилинди. Яратилаётган бундай имкониятлардан маҳалла аҳли мамнун.

Маҳаллада кўп қаватли уйлари таъмирлаш, кўчаларни ёритиш тизимини модернизациялаш, чиқинди майдончаларининг моддий-техник ҳолатини яхшилаш ишлари давом этмоқда. Бу жараёнда ҳудуддаги уй-жой мулкдорлари ширкатлари, «Мадали сервис» бошқарув компанияси билан яқиндан ҳамкорлик йўлга қўйилгани яхши самара бермоқда. Чиқиндилар ўз вақтида ташиб кетилаётгани тўғрисида ноқонуний чиқиндиҳоналар ҳосил бўлишининг олди олинмоқда.

— Тоza, озода, обод жойда фазлу барак бўлади, — дейди ЎЗА мухбирига «Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Дилором Ериева. — Шунинг учун юртимизда байрамлар олдида уюштирилаётган хашарларда хонадонлар, маҳалла, кўча ва хибонлар, гузарлар, муқаддас қадамжоларни янада обод этиш яхши анъанага айланган. Халқимизга хос бундай хайрли ишларда пок ниятларимиз, эзгу орзу-мақсадларимиз ўз ифодасини топишмоқда.

Бугун мамлакатимиз бўйлаб Ободонлаштириш ва тозалик ойланини, унинг доирасида 16-17 август кунлари бўладиган умумхалқ хайрия хашарини юқори савияда, кенг аҳоли қатламларининг фаол иштирокида ўтказиш чоралари қўрилмоқда. Бу борадаги ишларни изчиллик билан ташкил этиш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида ишчи гуруҳлар шакллантирилди.

Тозалик, озодаликни юксак қадрлайдиган, ҳар бир эзгу ишни пок ният билан бошлайдиган халқимиз энг улуг, энг азиз байрам — мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллигини ана шундай тозалик, ободонлик билан қутиб олмақда. Бундай тадбирлар юртдошларимиз қалбига юртга садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини янада кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Баҳор ХИДИРОВА

## Қарор ва ижро

РЕЖАЛИ ИШЛАР  
САМАРА БЕРАДИ

Бугун мустақиллигимиз шарофати билан ўз йўлини, тақдиримизни ўзимиз белгилаш имкониятига эга бўлганимиз энг катта ютуғимиздир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш аянлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузалари ҳар бир инсонни катта ишларга илҳомлантиради ҳамда шу азия Ватанимиз учун сидқидилдан хизмат қилишга ундайди. Чунки бизнинг юртимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг замирида — Ислохот, ислохот учун эмас, барча ислохотлар — инсон учун — тамойили мужассамдир.

Президентимиз ушбу маърузаларида янги иш ўринлари ташкил этиш ва мамлакатимиз аҳолиси бандлигини таъминлаш, 2014 ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган мақсадли вазифаларни ҳал қилишнинг энг муҳим устувор йўналишлари ҳамда Олий Мажлис томонидан мақбулланган дастурда 2014 йилда салкам бир миллионга янги иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилганлиги ҳақида таъкидлаб ўтган эдилар. Бу борада олиб борилаётган ишларнинг кўлами жуда кенг.

Ҳукумат қарорлари ижроси бўйича Яққасарой тумани ҳокимлиги томонидан ҳам жойларда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, туман ҳудудларида жойлашган уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини капитал таъмирлаш учун жорий йилнинг 6 ойида 1 064 452,4 сўм маблағ ажратилди ҳамда куз ва қиш мавсумларида барқарор ишлашга тайёргарлиқни таъминлаш, ободонлаштириш, кўкамламзорлаштириш ҳамда кўчаларимизнинг тоза ва озодаллигини сақлаш, аниқланган камчиликларни жойида бартараф этиш чора-тадбирлари дастури ишлаб чиқилиб, амалга ошириб келинмоқда.

Дастурга асосан, туман бўйича кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари йўлга қўйилган. Бугунги кунда Яққасарой туманида мавжуд кўп қаватли уй-жой фондидан куз-қиш мавсумларида барқарор ишлашни тизимли ташкил этиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Тумандаги жами 18 та маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида 91 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Туманда 7 та бошқарув сервис компаниялари ташкил этилган бўлиб, уларнинг халққа хизмат кўрсатиш сифат даражаси анча юқори.

Юқорида таъкидлаганидек, Яққасарой тумани ҳокимлиги томонидан ижтимоий соҳа объектларини кузги-қишги мавсумларга тайёрлаш масалаларига қатъий амал қилинган ҳолда иш олиб боришмоқда.

Бинобарин, жойлардаги масъул ходимлар ва уларга бириктирилган ҳудуд раҳбарларининг асосий эътиборлари кўчаларни ободонлаштириш, кўкамламзорлаштириш, маҳаллаларда жойлашган асосий муҳандислик-коммуникация тармоқларини куз-қиш мавсумига барқарор тайёрлаш, табиий газ, электр энергияси таъминотидан фойдаланишда тежамкорликка эришиш, истеъмолчиларга кўрсатилган коммунал хизматлар учун дебиторлик қарздорликларни қамайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, аҳолини қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш борасида маҳсулотлар захирасини яратишга йўналтирилган махсус дастурга амал қилиш каби вазифалар бажаришга қаратилган.

Хусусан, Яққасарой туманида жойлашган тижорат банклари мақсадли йўналишда маҳаллалар, турар жойлар ва бошқа ижтимоий соҳадagi объектларга бириктириш ишлари ҳам самарали натижа бермоқда.

Баҳодир ЮСУПОВ,  
Республика Маънавият тарғибот маркази  
Яққасарой туман бўлими раҳбари



**Хар бир инсон учун ўзи туғилиб ўсган, киндик қони тўқилган заминдан муқаддас макон йўқ. Бу муқаддас маконни эса Ватан дея атайдилар.**

Ватан деган буюк сўз инсон юрагидаги илоҳий нур каби доимо ёлқинланиб туради, нур тараб, танга қувват, руҳга роҳат, инсон ҳаётига бир умр фароғат бағишлайди, у бизнинг буюк аждодларимиз, авлодларимиз ўсиб-ўлғайган, бизни дунёга келтирган диёрдир. Шарқнинг буюк инсонлари Ватанини иймонга қиёс этадилар, иймони бут одамнинг эса қалби ҳам гўзал бўлади. Яқинларимизга «Иймонингиз ҳаммаша ўзингизга ҳамроҳ бўлсин» деган тилакни билдираемиз. Бежиз, «Хуббул Ватан — минал иймон», «Ватанини севмоқ — иймондандир» дейилмайдими. Яна бир гуруҳ олим у фузалар эса Ватанини қўшга ўхшатадилар. Чиндан ҳам Ватан қалбимизда порлаб турган қўш бўлиб, у ўз тафти, ҳарорати билан барчага, барча ерда, ҳеч кимни бир-биридан ажратмаган, улардан ўз ҳароратини дариг тутмаган ҳолда ўз нуридан баҳраманд этиб туради.

Ватан — бу ҳар биримизнинг уйимиз оstonаси, отамиз, онамиз, ака-укамиз, опа-сингилмиз, яқинларимиз, кўни-қўшимиз, дўсту қадрдонларимиз, бугунги дорилмон кўнларимизга шукроналар айтиб, кўнгилга эзгуликларни тугиб ўз атрофдагиларга меҳрини, меҳри сўзларини илинишга шошилаётган маҳалладошимиздир.

Ривоят қилишларича, кўпгина юртларни босиб олган подшоҳ бир мамлакатни ҳеч ҳам мағлуб эта олмабди. Ўйлаб-ўйлаб, бир хйла ишлатишга қарор қилибди. Ўша мамлакатнинг ўзидан бир одам топиб, у орқали мамлакатни забт этишни режалаштирибди. Ўша йигитга эса каттагина совға ваъда қилибди. И-

гит ёрдамида мамлакатни қўлга киритган эса, уни дорға осишга буюрибди. Бу ҳукмдан норози бўлган йигит подшоҳга қарата: «Менга совға беришга ваъда берган эдингиз, нима учун ваъдангизга вафо қилма-яписиз?», — деб сўраганда «Ўз юртига хиёнат қилган одам ўзга юртга ҳам хиёнат қилади. Мен ваъдамининг устидан чиқдим. Дор менинг салтанатимдан юқори туради» — деб жавоб берган экан.

Бизнинг оилаларимизда кўпни кўрган, ҳаётнинг

## ОБОД ДИЁРИМ, ЎЗБЕКИСТОНИМ

аччиқ-чучугини татиган, донишманд кексаларимиз бор экан, ёшларимиз орасидан ўз юртига, Ватанига жиҳнаткорлар чиқмайди. Ёшларимиз «Юсак маънавият — энгилмас куч» асарига айтилганидек, Юртбошимиз ишонч билдирган ҳақиқий бойлигимизга айланиб, Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори бўлган баркамол авлод бўлиб етишадилар.

Бугунги дорилмон кўнларимизга шукроналик келтириб яшаш, тинч ва оқсоқиллик кўнларимизнинг осонлик билан қўлга киритилмаганини, мустақиллик йилларида эришилган ютуқларимизни келажакимиз бўлган ёшларимиз онгига синдириш биз катталарнинг вазифамиздир. Ҳар бир ёш Ватан ҳимоясини, уни ёт кўзлардан сақлашни, заминимизнинг ҳар бир қарич ери, дов-дархати ва ўт-ўланини кўз қорачиғидек асрашни ўзининг энг биринчи галдаги вазифаси деб ҳисобламоғи лозим.

Юртбошимиз «Миллий армиямиз — мустақиллигининг, тинч ва оқсоқиллик ҳаётимизнинг мустақам қоғолатидир» номли рисоаларида «Менинг эзгу орзуим шуки, миллий армиямиз сафида хизмат қиладиган ёшларимиз минг асрлар давомида шаклланган қадриятларимизнинг қадрига етсинлар ва ота-боболари ётган ва ўзимиз ётадиган ерни муқаддас деб билсинлар», — дея қайд этганлар. Юртимизда яшаётган кўпни кўрган, кайвони, кекса-нуронийларимизнинг энг биринчи галдаги вазифалари ёшларимизга мустақиллик буюк неъмат эканлигини, унинг шарофати билан унутилаёзган қадриятларимиз яна қайтадан қад ростлаганини, урф-одат ва анъаналаримизга кўпчилиكنинг ҳаваси келишини тушунириб боришдир.

Биз катталар ёшларимизнинг қалбларига эзгулик уруғларини қадасак, бу ниҳоллар униб чиқиб, ҳар қандай довулу бўронларда ҳам эгилмайдиган, эгилса ҳам синмайдиган, улкан, қўл етмас чинорларга айланиб бораверади. Биз эса кўнгилмиз гурур ва ифтихорга тўлиб жаннатмакон юртимиз ҳақида «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистони!» дея, баралла айтишга ҳақиқимиз. Ва шу ўринда ушбу сатрлар ила ўз сўзларимизни мухтасар қилмоқчимиз.

**Авлодлар умиди, орзу армони,  
Маърифат бўстони, эзгу достони  
Дўстлигу тинчликнинг метин кўргони,  
Эй, озода диёрим, Ўзбекистони!  
Эй, обод диёрим, Ўзбекистони!**

Гулчеҳра КАРИМОВА,  
Ўзбекистон Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамағармаси марказий кенгаши қошидаги «Ёшлар ва фахрийлар билан ишлаш» гуруҳи аъзоси

## БОЖХОНА ИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

**Тошкент шаҳар Божхона бошқармасида янги тахрирдаги Божхона кодекси лойиҳаси муҳокамасига бағишланган, «Янги тахрирдаги Божхона кодекси — божхона ишини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асоси» мавзусида семинар ташкил этилди.**

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, манфаатдор идоралар вакиллари, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Т.Режапов ва бошқалар мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиб бораётганлиги ҳамда соҳа вакилларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Бу борадаги ишларда божхона органларининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Божхона идоралари фаолиятини такомиллаштирган ҳолда ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш, товар-моддий бойликларнинг чегаралардан ноқонуний олиб ўтилиши, контрабанда ва божхона қондаларининг бузилишининг олдини олиш орқали мамлакат иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлашга ҳамда божхона тўловлари ҳисобидан давлат бюджетини тўлдиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Янги тахрирдаги Божхона кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишдан мақсад Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон бозорига интеграциялашувига энг кўп қўмаклашувчи божхона назорат тизимини шакллантиришдир. Ушбу кодекс 12 та бўлим, 52 та боб ва 511 моддадан иборат. Амалдаги кодекс эса 11 та бўлим, 19 та боб ва 165 моддадан таркиб топган.

Ушбу кодекс амалдаги Божхона кодексидан тубдан фарқ қилади, — дейди Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси божхона статистикаси ва таҳлил бўлими бошлиғи Фарҳод Олимжонов. — Лойиҳанинг ижобий томонларидан бири шундаки, у товарни олиб кириш ва олиб чиқишдан бошлаб унинг тақдирини белгилашга қадар бутун экспорт-импорт тизимини тартибга солишни назарда тутди. Амалдаги Божхона кодекси эса ушбу масалаларни бундай комплекс равишда қамраб олмаган эди.

Амалдаги кодексда соҳага доир 16 та асосий термин ва тушунчаларга изоҳ берилган бўлса, янги тахрирдаги кодекс лойиҳасида бу кўрсаткич 53 тани ташкил қилади. Божхона режимидаги соҳа эса аввалгидан 2 тага қўлайиб, 17 тага етди.

Жумладан, «Товарларни вақтинча олиб кириш ва олиб чиқиш» режими янги лойиҳада «Вақтинча олиб кириш» ва «Вақтинча олиб чиқиш» режимидаги сифатида алоҳида белгилаб қўйилди ҳамда янги «Ички истеъмол учун қайта ишлаш» божхона режими киритилди. Ушбу режими хусусияти шундаки, бунда Ўзбекистон Республикасига қайта ишлаш учун олиб кирилган хом ашёларга божхона тўловлари қўлланилмайди ва қайта ишлашга рухсат берилади. Божхона тўловлари қайта ишлаш маҳсулотларидан ундирилади. Бу эса республикамизда ишлаб чиқаришни янада ривожлантиради.

Шунингдек, лойиҳага «Товарларни халқаро почта жўнатмаларида олиб ўтиш», «Валюта назорати», «Интеллектуал мулк объектларини божхона органлари томонидан ҳимоя қилиш», «Товарларни кувер транспортда ва электр узатиш линиялари бўйлаб олиб ўтиш», «Божхона экспертизаси» ва «Божхона иши соҳасида хабардор қилиш ва маслаҳат бериш» сингари бир қатор янги боблар ҳам киритилган.

Асосий эътибор — божхона тизимининг барқорорлигини таъминлаш, бюрократик расмийчиликларни қисқартириш ҳамда ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари учун экспорт расмийлаштирувнинг соддалаштирилган механизмининг яратилишга қаратилмоқда. Янги тахрирдаги Божхона кодекси лойиҳасининг божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш ва божхона тўловларидан бўйин товлаш имкониятларидан чегаралаш бора-сида ҳам муҳим ҳуқуқий ҳужжатга айланиши кўзда тутилмоқда.

Семинарда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофича жавоб олдилар.

**Абдулалӣ САЛИМОВ**

### Таълим

## ЯНГИ ҚЎЛЛАНМА ТУҲФА ЭТИЛДИ

**Соғлом бола йили муносабати билан айни кунларда уч ёшдан олти ёшгача бўлган қизларнинг маънавиятини шакллантириш мақсадида мактабгача таълим муассасаларида «Зумрадойлар давраси» тўғараклари ташкил этилмоқда.**

Яқинда Чилонзор туманидаги 262-мактабгача таълим муассасасида тарбиячилар, педагоглар иштирокида анжуман ўтказилди. Унда «Зумрадойлар давраси» тўғараклари фаолиятини такомиллаштириш, ушбу тўғаракларга қатнайдиغان қизларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини шакллантиришнинг муҳим омиллари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Маълумки, тўғараклар ишини яхши йўлга қўйишда ўқув-ўқувий қўлланмалар, дарсликлар муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Тадбир якунида қатнашчиларга «Зумрадойлар давраси» деб номланган, янги нашр этилган ўқув-ўқувий қўлланма ҳам тақдим этилди.

**Ақбар ЙЎЛДОШЕВ**



## МАКТАБ БОЗОРЛАРИГА МАРҲАМАТ

**Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан Республика болалар кутубхонасида мактаб ўқув қуроллари, дарсликлар, адабиётлар, ўқув ва спорт кийимлари, пойабзал маҳсулотлари республика кўргазмаси ташкил этилди.**

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларга пухта билим ва тарбия бериш, ўқитиш жараёнини сифат ва мазмун жиҳатдан янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борадаги эътибор 2014/2015 ўқув йилига тайёргарлик жараёнида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Жумладан, янги ўқув йили арафасида ота-оналарга қўлайлик яратиш мақсадида 10 августдан 10 сентябргача Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги савдо мажмуалари, бозорлар, 979 умумтаълим мактабида мактаб ярмаркалари ташкил этилди. Шу билан бирга, тоғли ва чўл ҳудудларига 130 кўчама автобўксон факултет қўрсатмоқда. Уларда 26 турдаги ўқув қуроллари ва жиҳозларни сотуви ташкил этилди. Мактаб бозорларидаги маҳсулотларнинг акарияти юртимиз корхоналарида ишлаб чиқарилган бўлиб, ҳозир 6 миллион нафар ўқувчи учун эҳтиёжлар заҳираси шакллантирилмоқда.

Мактаб ярмаркалари фаолиятини уюшқоқлик билан ташкил этиш ва мувофиқлаштириш мақсадида маҳаллий ҳокимликларда ишчи гуруҳлари тузилди. Жойларда ташкил этилган мактаб ярмаркаларига асосий турдаги маҳсулотларни аниқланган эҳтиёжлар асосида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзбекенгилсановат» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси ва «Шарк» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси етказиб бераётир.

Мактаб ярмаркаларида сотиладиган маҳсулотлар нархи суноий тарзда ошиб кетишининг олдини олиш, уларда тўлов терминалларининг узлуксиз ишлатилиши йўлга қўйиш бўйича маҳаллий ҳокимликлар ва солиқ идоралари томонидан доимий назорат олиб борилмоқда. Аҳолига қўшимча қўлайлик яратиш мақсадида савдо ташкилотлари ва хусусий тадбиркорлик субъектларида 1885 тўлов терминали ўрнатилди.

— Нашриётимизда янги ўқув йили учун дарслик ва ўқув адабиётлари етказиб

бериш борасидаги ишлар қизғин давом этмоқда, — дейди «Ўзбекистон» наشريёт-матбаа ижодий уйи бош директорининг биринчи ўринбосари Маҳмуд Зайтаев. — Ҳозирга қадар 110 номдаги 13 миллиондан ортиқ тираждаги дарсликлар чоп этилди. Шунингдек, 1-2-синф учун инглиз тили дарсликлари, қундалиқ рейтинг дафтери, расм дафтери, ўқув дафтарлари, иш дафтарлари, синф журналлари катта тиражда нашр этилиб, жойларга етказиб берилди.

Кўргазмадаги бежирим мактаб ва спорт кийимлари ота-оналарнинг эътиборини тортиди. «Ўзбекенгилсановат» давлат акциядорлик компанияси бўлим бошлиғи Замира Юнусованинг айтишича, компания тасарруфидоги корхоналар томонидан пахта ва аралаш толали газламалар, трикотаж матолардан мактаб формалари ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган. Бу ерда, шунингдек, умумий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими масканлари ўқувчилари учун спорт кийимлари намуналари кенг ўрин берилган.

Мактаб оstonасига илк бор қадам қўядиган болалар ўз орауларини бежирим ўқув портфеллари билан уйғун тасаввур этиши табиий. Кўргазмадан ўрин олган турли ёшдаги ўқувчилар учун сумкалар, қаламдонлар, кузги-кишки мавсумга мўлжалланган пойабзал маҳсулотлари намойиши кўпчиликка манзур бўлди.

— Мактаб бозорлари учун уюшмамиз тасарруфидоги корхоналар мактаб сумкалари билан бирга, 150 дан ортиқ турдаги пойабзал ишлаб чиқарди, — дейди «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси бош мутахассиси Шухрат Алиев. — Ушбу маҳсулотлар маҳаллий хомашёдан тайёрланган, сифати ҳам юқори.

Кўргазмада жойлардаги мактаб бозорларига етказиб берилаётган ўқув қуроллари, мактаб ва спорт формаларининг кенг ассортименти, дарслик ва ўқув адабиётлари билан танишиш, ишлаб чиқариш корхоналари ва тадбиркорлар ўртасида шартномалар имзолаш имконияти яратилди.

**Назозат УСМОНОВА,  
ЎЗА муҳбири**

## ЯХШИЛИК — УМР НАҚШИ

**Дард одамни улғайтиради, шакллантиради, дейишади. Худойим суйган бандасига дард беради, деган нақл ҳам юради халқ орасида. Хуллас, дард ҳақида фалсафийроқ, ибратомуз ақидалар кўп. Бу албатта, кўнгилдаги дард, ишқ дарди, дарди илоҳий тушунчалар билан боғлиқ бўлса керак. Бизнинг тушунчамиздаги дард, яъни касаллик, оғриқ бутунлай бошқа масала. Айниқса, бу суяк билан боғлиқ касаллик бўлса.**

Камина ўн йиллар олдин ана шундай дарди бедавога — артрит касалига йўлиққанман. Аввалига ҳоziқ табибларимиз ташхис қўйиш борасида мутлақо бир-бирига зид бўлган тахминларни дадил ўртага ташладилар. Худудий шифокорим «бу томир касаллигидан ўзга нарса эмас», деса, хусусий табибий ишбилармон босолмай қолган оғриқим қўлида салмоқлаб туриб «бу — ё диск чураси, ё суяк сили», деб кўнгилмизни кўтармоқчи бўлади. Қайси табибга учрасанг туғри гапирётгандек туюлади. Одамзодни умид тутиб туради, деганлари рост. Мана энди чинакам халоскоримни топдим, деб ўйлаб қолади бемор. Натижа эса халигидай. Яна дард устига чипқон қилиб ахли аёл фолбинга қатнаб, қайси душман уюштирган, ким қасд қилган экан, деган саволларга жавоб излашади.

Шу тариқа уч йил умрим шифо илинжида табибга табиб, дўхтирма дўхтирсарсон ўтди. Бу орада кўкка совирилган вақтим ва нақдимни айтмай қўяломай. Ишхонада раҳбаримиз бағрикенглик билан шароит яратиб берган. Иш унча кўп эмас — «Дўстлик» студиясида менсиз ҳам иш ўз маромида. Меҳрибон бошлиқ ҳар замонада ёрдам керак эмасми, ё ногиронлик пенсиясига чиқасизми, ука, деб илтифот қилади. Худди ўзи ҳам келажакда бедаво дардга йўлиқшини билгандек беморларга шафқат кўзи билан қарашга уринириб раҳматли.

Ҳақиқатан дард одамни тарбияларкан. Даво топарвермаган, жонингиз сугуриб олгудай оғриқ уйқунинг ҳаром қилган, ҳамма гуноҳларингиз, ранжитган одамларингиз, ҳатто пинхон ёмон кўрган кимсаларингизни ўйлаб таваб қилсан. Ёш болаларингизга қараб ўзингизга раҳмингиз келди. Назарингизда ҳаммаси тамом. Кўргани келганларнинг юз-кўзларидан, ҳатти-ҳаракатларидан худбинларча маъно излайсан. Ўша пайтларда «Бедаво дард бердинг сунгилмагача, Ай, айланай танаб берган дардингдан», каби кўп сатрлар қоралагиларкан. Агар дард чекмаган бўлсангиз бу гапларнинг ҳаммаси сизга бегона. Илоийм шундай бўлиб қолсин. Оғриқ кунларнинг бирида журналист танишим ҳол сўраб келиб, сизники суяк касаллиғи экани аниқ, Тошкент Табиб-ёт академиясида ревматология бўлими бор, Тўхтасин Солиев деган катта шифокор ишлайди, чет эллардан ҳам келишади донмага, деб қолди. Яна умид учкунлари уйғониб, минг азобда йўлга тушдим.

Институт баҳаво, кенг майдонда жойлашган. Бу масофани амал-тақал босиб ўтиб, Ревматология бўлимига кирдик. Домла беморларнинг эрталабки кўригиде экан. Бироз кутишга тўғри келди. Палаталарнинг биридан тўладан келган, оқ юз, нуроний қиёфа кўриниши билан мана шу одам бўлса керак, деб ўйладим. Чала табиблару тижоратчи шифокорларнинг димоғ-фироғидан безиб қолганим учунми, дабдурустдан донмага рўбарў бўлишга юрагим дов бермади. Домла қўлтирмаганда мен ўтирган фойе томон бурилиб яқинлашиб келди-да худди ўз жигаридан аҳвол сўраётгандай «сизга нима бўлди?», деди қўлимни қўйвормасдан. Ҳамма гап раҳбарга боғлиқ-да. Домланинг атрофидаги катта-кичик шифокорлар оппоқ халатларда «нажот фаришталари»га ўхшаб туришарди. Ҳа, дард турфа бўлгани каби, шифокорлар ҳам ҳар хил. Ўз касбининг устаси, виждонли, иймонли дўхтирларимиз ҳам

кўп. Домла мени қабулига олиб кирди. Шу пайтгача олган муложаҳ, табибий таҳлиллар, ташхислар тарихини суриштирдим. Мен бу зийли инсоннинг саволларига жавоб қайтарарканман, борган сари юрагимда умид ва ишонч алангаланар, менинг дардимга шифо шу одамнинг қўлида эканлигини ҳис этиб турадим. Домла рентген суратларини текшираркан «бу жойда артритдан бошқа нарса бўлиши мумкин эмас, болам, хали футбол ўйнайдиган даврингизга қайтасиз», деб мени руҳлантирди. Сизга ёлгон, менга чин, ўша кундан соғая бошладим. Вужудимда бир энгиллик, кайфиятим аъло, оғриқ қамайди. Ҳафтада уч марта «Тауредон» деган ноёб укол қилишади. Бу дорига етишиш анқонинг фотосуратини топишдек амриммаҳол. Базан Тўхтасин Солиевнинг ўзи таънишларидан арзонроқ нархга олиб беради. Дори таркибидоги тилла қуқунига ишора қилиб, «сиз олтинлашиб бораёсиз, арзонга сотилманг», деб қўярди. Шу тариқа орадан ойлар ўтди. Домла билан кадрдон бўлиб қолдик. Яхши-ёмон кунларда йўқлайдиган, кўришмасак соғинадиган даражада меҳр уйғонди. У киши академик билимга эга бўлган, адабиётни, санъатни қадрлайдиган, инсонларга яхшилик қилиб чарчамайдиган улғу одамлардан эди. Тўхтасин Солиев деган номнинг ўзи нафақат табиб-ёт соҳасида, балки умумий ёшлар орасида, халқаро миқёсда маъно-моҳият касб этганди. Домла инсониятнинг глобал оғриқларини ҳам ҳис қилар, келажак қандай бўлади, ўзбекининг бой меросини ўрганиш, унга ҳисса қўйиш жараёни узилиб қолмайдими каби катта дардлар билан яшарди. Мен бу улғу инсоннинг суҳбатига бўлган чоғларимда одамзод заминий ташвишлардан нақадар юксалиши мумкинлигини, тафаккур камрови кенглигини, маърифатнинг қудратини ҳис қилардим, ҳайратланардим. Ич-ичимдан дуо қилардимки, ўзбекининг толеига битган бу зотнинг олтин боши омон бўлсин, юз ёшларни қаршилаб, ҳаётимизга файзу тароват бахш этиб юраверсин...

Тақдир ҳаммамизга умумий бир дард берган: муҳтарам домладан ажралиб қолдик. Бир қарашда бу чорасиз дарддек туюлади. Аммо Тўхтасин Солиевнинг теран мушоҳадасига таянадиган бўлсак, унинг умри яхшилик улашиш, савоб амаллар, хайрли ёдловлар билан узок йиллар давом этади. Биз қадрлайдиган, ибрат оладиган, эргашадиган, умрбод эҳтиром билан эслайдиган азиз сиймо борлиги кўнгилларимизга малҳамдир.

**Эскилар хикматли исми танлаб,  
Ўзда қулоғига айтганлар азон.  
Шоядқи, улғайса ўз номин англаб,  
Шоядқи, умидни оқласа инсон.**

**Тарихий кунларга солнома гувоҳ,  
Қадарни-ку азал мирзоси битган.  
Ёв босса, сел келиб, сув**

**Қанча Тўхтасинлар жон  
нисор этган.**

**Умрин дард селига этдию тўғон,  
Ўзини унутди Тўхтасин ота.  
Кимларнинг жонини асраб,  
берди жон...**

**Шундай яшаб ўтди Тўхтасин ота...**

**Иқбол МИРЗО,  
Ўзбекистон халқ шоири**





## ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ АЙЁМ НАШИДАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Юртимиз Мустақиллигининг 23 йиллиги турли танта-наларга уланиб кетмоқда. Шундай дорилардан кунларга етиб келганимизнинг ўзи бахт. Шунча йиллардан бери халқ саломатлигини мустаҳкамлаш, муҳофазалаш, тез ва сифатли ёрдам кўрсатиш борасида хизмат қилаётганимиздан жуда мамнунман, — дейди Юнусовд туманидаги 51-оилавий поликлиника бош шифокори Гўзал Қодирова. — Жорий йилда туманимизда 55-оилавий поликлиника биноси тубдан реконструкция қилинди. Бундай изчил ишлар аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати ва самардорлигини ошириш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, касалликларнинг олдини олиш, асосийси фуқаролар-

нинг саломатлигини яхшилашга хизмат қилмоқда.

— Пойтахтимизнинг кўркем ва сўлим масканларидан бири бўлган ушбу гўзал боғда ташкил этилган тадбирда туманимиз ёшлари фаол иштирок этмоқда, — дейди Мирзо Улуғбек туманидан ташриф буюрган Гулноза Асранова. — Ушбу маънавий-маърифий тадбирда туманимиз ёшлари мустақиллигимизнинг йиғирма уч йиллигига бағишланган мозаика, биссер, кулчилик ва бошқа йўналишларда ўз ижодий ишларини намойиш этишмоқда. Мен ҳам ўзимнинг миллий кўғирчоқлар тимсолида яратган ижодий ишларим билан қатнашмоқдаман. Анъанавий равишда ўтказиб келинаётган бундай байрам тадбирлари ёшларимизни бирдамликка, ҳамкорликка чорлайди.

Дарҳақиқат, Ватанимиз ўтган йиллар мобайнида юксак тараққиётнинг ўзига хос истиқболли ва нурли йўлларини босиб ўтди. Мустақиллигимизнинг йиғирма уч йиллигини ўзига хос ютуқлар билан кутиб олаётганимизнинг ўзи улкан садатдир.

Истиқлол берган неъматларни санаб адоғига етиб бўлмайди. Унинг ҳар бир йилида кенг қўламдаги эзгу ишлар, яхшиликка, бирдамликка чорлайдиган мунаввар кунлар ёғдуси нур сочиб турибди.

Тадбир сўнгидан спорт мусобақалари ғолиблари ва фаол иштирок этганлар фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Гулчехра ДУРДИЕВА  
СУРАТЛАРДА: байрам тадбирдан лавҳалар  
Ислом Исмоилов олган суратлар



## КЎРГАЗМАДА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ НАМОЙИШИ

Пойтахтдаги К.Бехзод мемориал боғ-музейида Соғлом бола йили муносабати билан графика ва либос расми Шахло Қурбонованинг шахсий кўргазмаси очилди.

Кўргазмага 70 га яқин рангтасвир ва графика асарлари қўйилган бўлиб, рассомнинг «Илинж дарахти», «Авлодлар», «Табиат кўйида», «Баҳорги парвоз», «Қалдирғочлар рақси», «Миллий рақс либослари», «Шарқ маликаси», «Сурхондарё этнографияси» туркумидаги асарлари шулар жумласидандир. Ушбу асарларда миллий ва умуминсоний қадриятлар борлиқ, ҳаёт фалсафаси ва диалектикаси орқали тасвирланган, муаллиф қалбига кечаётган кечинмалар ақс этган.

Ш.Қурбонова 1977 йилда Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида туғилган. 1999 йилда П.Бенъков номидаги Республика рассомлик коллежини имтиёзли диплом билан тугатган. Сўнгра К.Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида тах-

сил олди. 2006 йилдан бугунга қадар П.Бенъков номидаги Республика рассомлик коллежида педагог сифатида фаолият олиб боради. У ёшларга санъат сирларидан сабоқ бериши билан бирга рассом сифатида ижод қилади. Ва шеърлар ҳам машқ қилиб туради. Яқинда Шахлонинг шеърий машқларини ўз ичига олган «Илинж дарахти» деб номланган тўплам нашрдан чиқди. Унда рассомнинг тасвирий санъат асарларидан намуналар ҳам жой олган.

Кўргазманинг очирилишида Шахло Қурбоновага Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда «Шарқ аёли» халқаро аёллар жамоат жамғармасининг дипломлари, Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзолигига қабул қилингани ҳақидаги ғувоҳнома топширилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши томонидан тумандаги «Олмасор» ҳамда «Бешёғоч» маҳаллаларида истиқомат қилаётган имконияти чекланган оила фарзандлари ҳолидан хабар олиш мақсадида «Эзгулик улашиш – инсоний фазилат» хайрия тадбири ташкил этилди.

Тадбир халқимиз орасида миллий қадриятларимизга хос бўлган ўзаро меҳро-оқибат ва ҳамжихатликни янада кучайтириш, меҳр-мурувват каби эзгу фазилатларни юксалтириш, тумандаги маҳалла ҳудудлари, муқаддас қадамжолар, аҳоли турар жойларини ободонлаштириш, имконияти чекланган ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида ишлаб чиқилган «Миллий қадриятлар бешигисан Ватан!» лойиҳаси доирасида ўтказилди.

— Болалар бизнинг келажагимиз ва албатта, биз уларнинг барчасининг тақдирига бефарқ бўлмаслигимиз керак, — дейди Кенгаш раиси Баҳодир Зиёвиддинов. — Бу каби хайрия лойиҳалари сони ва қўламини кенгайтиришимиз лозим деб ҳисоблайман.

Хайрия тадбири давомида имконияти чекланган оила фар-

## «Қамолот» лойиҳалари ЭЗГУЛИК УЛАШИШ – ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТ

зандлари ҳолидан хабар олиниб, ҳаракатнинг туман Кенгаши томонидан болажонларга ўқув қуроллари тақдим этилди. — Мен «Бешёғоч» маҳалласида истиқомат қиламан, — дейди Сунатилла Нишонов. — Маҳалламизда ҳар доим туманимиз «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан турли хил тадбирлар ташкил этилади. Ўқув қуроллари совға қилинганидан жуда хурсандман ва албатта улардан янги ўқув йили бошланганида фойдаланаман.

Айтиш жоизки, ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар фарзандлари ҳолидан хабар олиш ва ўқув қуроллари тақдим этиш, маҳаллаларда истиқомат қилаётган яққа-ёлғиз, боқувчисини йўқотган оилаларга саховат ёрдамларини кўрсатиш ва эзгулик, тинчлик, осойишталикнинг қадрига етиш ва уни асраб-авайлаш мақсадида маҳалла гузарларида тарғибот-ташвиқот тадбирлари, давра суҳбатлари ўтказилиши режалаштирилган.

Зиёда РАСУЛОВА

## Мусобақалар

## СОҒЛОМ ТАНДА — СОҒ АҚЛ

Айни кунларда замонавий, барча шарт-шароитларга эга спорт мактабларида Ватанимиз Мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида ўсмирлар ўртасида мусобақалар ўтказиб келинмоқда.

Чилонзор туманидаги 43-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали, Чилонзор тумани «Ёшлик» жамияти ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган «Соғлом танда – соғ ақл» спорт мусобақаси ҳам шулар жумласидандир.

Мусобақада олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган 300 дан ортиқ ўғил-қизлар иштирок этиб, спортнинг бадий гимнастика, футбол, стол тенниси, камондан ўқ отиш, енгил атлетика ва таэквондо (WTF) турлари бўйича ўзаро беллашдилар.

— Мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад келажагимиз пойдевори бўлиши ёш авлод қалбига Ватанга муҳаббат ҳиссини чуқурроқ синдириш ҳамда миллий қадрият ва анъаналаримизни шакллантиришдан иборатдир, — дейди 43-сонли БЎСМ директори Аскар Абдураимов. — Ёшлар ўртасида ўтказилаётган бу каби спорт тадбирлари келажақ авлоднинг жисмонан соғлом, маънави етук инсонлар этиб вояга етишлари ва уларнинг спортга нисбатан қизиқишининг янада ошиб бориши учун муҳим аҳамият бўлиб хизмат қилади. Мактабимизда 22 нафар му-

раббий болаларга спорт бўйича таълим-тарбия бериб келмоқда. Яъни, 18 та олий, 4 та ўрта махсус маълумотли мураббий 6 та спорт тури бўйича фаолият кўрсатмоқда. Спорт секцияларида жами 49 та гуруҳ бўлиб, 511 нафар ўқувчи-ёшлардан ташкил топган. Ўқувчиларнинг 227 нафарини қизлар ташкил этади.

Дарҳақиқат, ёш авлоднинг спортга қизиқиши ортиб, мунтазам шугулланса соғлом турмуш тарзини барпо этишимизда муҳим аҳамият касб этади.

— Мен буш вақтларимда спортнинг футбол ва сузш турларига қатнашиб тураман, — дейди мусобақа иштирокчиси Жаҳонхир Абдуманнонов. — Ушбу мусобақада футбол бўйича баҳс юришиб, ғалаба қозонишга ҳаракат қилдик. Мураббийларимиз спортнинг сир-асрорларини сидқидилдан ўргатиб келатганлари натижасида кўпгаб ютуқларга эришмоқдамиз. Асосийси, саломатлигимиз мустаҳкамланмоқда.

Қизгин ва кескин курашларга бой тарзда бўлиб ўтган ушбу мусобақа сўнгидан ғолиблар ҳамкор ташкилотлар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Зафар НАЗАРОВ  
Ислом Исмоилов олган сурат

## «101»

## «ТИЛСИЗ ЁВ»ДАН ЭХТИЁТ БЎЛИНГ

Айрим фуқаролар ўз уйларида эйтиборсизлик ва масъулиятсизликка йўл қўйишлари, кўпинча табиий газдан фойдаланиш қоидаларига амал қилмасликлари оқибатида ёнгин боғлиқ қўнғилсизликлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқдалар.

Газ ёки электр асбобларидан нотўғри фойдаланиш, уларни ўз билганича тузатиш, қаровсиз қолдириш, бефарқлик, умуман, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик ҳолатлари кўпинча ёнгинларга олиб келади. Кишилар шу каби арзимас туюлган хавфсизлик қоидаларини билишсади, бироқ уларга етарлича эътибор қилишмайди.

Биланмики, ёнгинларни ўчиришдан кўра уларнинг олдини олиш афзалдир. Шу сабабли юртдошларимиз ўртасида бу борада тарғиботни кучайтириш яхши фойда беради. Мазкур офатга олиб келувчи турли омилиларга йўл қўймаслик борасида ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари аҳоли ора-

ёнинг хавфсизлиги хизмати ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги вазифалари жуда масъулиятли. Зотан, пешона тери эвазига етиштирилган бойликлар ва қад кўтарган бинолар, ташкилот-муассаса, халқ ҳўжалиги масканларида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасида ИИББ ёнгин хавфсизлиги бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларида аниқ белгиланган тадбирлар асосида фаолият олиб борилади.

сиди, мактабгача таълим муассасалари ва мактабларда, олий ва ўрта махсус ўқув юртиларида тушунтириш ишларини олиб боришмоқда. Ҳар биримиз, айниқса маҳалла фаоллари бу борада жонбозлик кўрсатишса, натижа янада яхши бўларди. Фуқароларимиз қўндалик турмушда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиб бораётган, турли офатларнинг

олди олинган бўлар эди. Зеро, «тилсиз ёв» ҳисобланмиш ёнгин фасл ёнқи вақт ва жой танламайди. Кутилмаганда озгина эҳтиётсизлик, бепарволик оқибатида юзага келаверади.

Азиз ҚОДИРОВ,  
12-ХҲО 23-ХҲХ кичик инспектори, сифдор

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент Молия институти 2014-2015 ўқув йилига қуйидаги кафедралар бўйича бўш (вакант): **Чет тиллари кафедраси** (профессор, доцент); **Фалсафа ва Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти** кафедраси (профессор, доцент); **Банк иши** (профессор, доцент); **Банк ҳисоби ва аудит** (профессор, доцент); **Ўзбек ва рус тиллари** (профессор, доцент); **Жисмоний маданият ва спорт** (профессор, доцент); **Менежмент ва маркетинг**(профессор, доцент); **Молия** (профессор, доцент); **Фазначилик иши** (профессор, доцент); **Молия бозори ва қимматли қозғолар** (профессор, доцент); **Лойиҳаларни молиялаштириш** (профессор, доцент); **Ўзбекистон тарихи** (профессор, доцент); **Информацион-коммуникацион технологиялар** (профессор, доцент); **Солиқ ва солиққа тортиш** (профессор, доцент); **Сугурта иши** (профессор, доцент); **Иқтисодийёт назария** (профессор, доцент); **Касбий таълим** (профессор, доцент); **Бухгалтерия ҳисоби** (профессор, доцент); **Бюджет ҳисоби** (профессор, доцент); **Молиявий таҳлил** (профессор, доцент); **Олий ва амалий математика** (профессор, доцент); **Аудит** (профессор, доцент); **Молиявий менежмент** (профессор, доцент) лавозимларига

### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда бўлган, чет тили ва компьютер техникасини мукамал ўзлаштирган, илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган профессор-ўқитувчилар иштирок этишлари мумкин. Танлов муддати – эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри, А.Темур шоҳқўчаси, 60 А-уй, ТМИ ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

Тел. 234-66-58, 235-23-10

Тошкент шаҳар ҳокимлиги маҳкамаси Молия бош бошқармаси томонидан 2014 йил 14 июлда тасдиқланган 19-ТГ-2014-сонли Реестрга мувофиқ, «TOSHKENTDONMAHSULOTLARI» АЖда 2014 йил 1 августдан 1 гкал иссиқлик энергиясини сотиш нархи (ҚҚСсиз) 42143 сўм қилиб белгиланди.

МЧЖ «Power International Transport» хорижий корхонаси (ИНН 206667275) корхона устав фондининг 778386 АҚШ долларидан 715786 АҚШ долларига қисқартирилганлиги ҳақида маълум қилади.

Этирозлар эълон нашр қилинган кундан бошлаб бир ой давомида +99895 143-48-40 телефони орқали қабул қилинади.

«Syngenta Agro Services AG» компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига кўп йиллар давомида фаолият кўрсатган биология фанлари доктори, профессор **Мухсим Набихонович ВАЛИХОНОВНИНГ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

**ЎЗГИДРОМЕТ**  
ХАБАР ҚИЛАДИ  
Тошкент шаҳрида 13 август кунини ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 20-22, кундузи — 37-39 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 13 ва 14 август эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, тағмиқдори паст бўлади.

**Тошкент оқшоми**

Манзил: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Эълонлар: 233-28-95  
Факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонида мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақланган

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:  
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 855

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади  
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.  
6527 нускада босилди.  
Қозғо бичими А-2

Нашр учун масъул  
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонаси. Корхона  
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир  
Акматали АҚМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.20